



halol.uz

**Турк муфтияти мусулмонларга мидия, креветка,
кальмар, краб ва омарлар истеъмол қилишни
тақиқлаб қўйди. Бу ҳаром!**

Туркия Диний ишлар идораси (Диянет) денгиз жониворлари - мидия, креветка, кальмар, краб ва омарлар халол эмас, яъни мусулмонларга уларни ейиш тавсия килинмайди, деб баёнот берди – дея хабар килади [zakon.kz](#).

Бу баёнот, денгиз махсулотлари кенг таркалганлигини хисобга олиб, турк жамиятида кизгин мухокама сабаб бўлди. Мисол учун, мидия кўчаларда хамма жойда сотилади, исталган балик ресторани калмар, креветка, баъзан краб ва омарларни таклиф этади. Диянетнинг бу тавсиясидан норози бўлганлар Туркияning уч томондан денгизлар билан ўралганини, денгиз махсулотларини истеъмол килишни такиқлаш галати эканини эслатади, - деб ёзади "Российская Газета" хам. Баёнотга рози бўлганлар туркларнинг анъанавий тарзда денгиз махсулотларини

истеъмол килмаганлигини эслайдилар ва XVIII асрнинг тарихий йилномаларидан далил келтирадилар, бу ерда кискичбакасимонлар, краб ва моллюсклар Византияning мероси сифатида "юон", яъни насронийлар емиши хисобланиши айтилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Исломда бир канча диний-хукукий мактаблар (мазхаблар) мавжуд. Бу мактабларнинг хар бири денгиз маҳсулотларини истеъмол килиш масаласида ўз фикрига эга. Хусусан, Туркияда энг таркалган ханафий мазхаби хакикатда денгиз маҳсулотлари мусулмонлар учун яроксиз деб хисоблайди. Шу билан бирга, кенг таркалган шофиъий мазхаби уларни бутунлай халол деб хисоблайди, моликийлар мазхаби олимлари хатто мусулмонлар, назарий жихатдан, бирдан сув парилари мавжуд бўлса, уларнинг гўштини хам ейиши мумкинлигини айтади.

Диянетнинг баёноти тавсиявий характерга эга бўлиб, хеч кандай такиклар жорий килмайди.

Шунга карамай, турк жамиятидан унга кескин муносабат турк жамиятининг рангбаранглигини, унинг дунёвий ва диний кисмларининг келишмовчилигини яна бир бор кўрсатди. Жамиятнинг дунёвий кисми Диянетнинг тавсиялари фукаролик эркинликларини чеклаб, мамлакатни каттик диний нормалар томон тортади, деб хисоблайди. Диний кисм эса дунёвий кишиларнинг диндан амалда ажралиб чикиб, хали ислом нормаларига риоя килганларга карши гапиришда давом этаётганидан норози, дейилади хабарда.

Таъкидлаш жоизки, Диянетнинг баёноти ресторонлар, магазинлар ва кўча савдогарларига таъсир килади, деб хисобламаслик керак, унда факат денгиз маҳсулотлари ейиш номакбул эканиги айтилган, лекин уларни сотиш бўйича хеч кандай такик хакида гап йўк.